МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 1 март,
№19 (986)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Услубий ва амалий кўмак изчиллиги таъминланади

***Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи давомида жамият бошқарувининг ўзига хос тизими сифатида шаклланган маҳалла институти истиқлол йилларида янада такомиллашиб, қонуний ваколатларига эга бўлди.***

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар эндиликда маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш, мазкур тузилма ишини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш Кенгашнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси, Ҳудудий кенгаш раиси ўринбосари Маҳмуд Тоиров. — Шу боис Кенгаш томонидан айни пайтда фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, ҳудуддаги давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ёрдам кўрсатилмоқда.

> [2]

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Истиқболли лойиҳалар — тараққиет омили

***Саноат тармоқларини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар Фарғона вилоятида ҳам кун сайин ортиб бораётир.***

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўтган йили 33 та корхонада 69 та лойиҳа асосида 304,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 292,7 миллиард сўмлик маҳсулот сотилиб, 6,3 миллион АҚШ долларига экспорт қилинди.

Натижада 133 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта захираси тежаб қолинди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Мотор мойлари учун қўшимчалар, ногиронлар аравачалари, «GM-Uzbekistan» корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлари, суюлтирилган газ, цемент, битум ташувчи махсус сиғимли ярим-тиркамалар, локбўёқ, сэндвич-панел, кир ювиш машиналари, қурилиш битуми ва газ плиталари каби маҳсулотлар маҳаллий хомашёлар негизида ишлаб чиқарила бошланди.

> [3]

ОБОД КЎЧА ЭГАЛАРИ

## Эътибордан четда қолган масала йўқ

***Самарқанд туманидаги Ўрташиқ қишлоғи кўҳна шаҳар учун гўё бир дарвоза. Сурхондарёю Қашқадарёдан, вилоят жанубидаги ҳудудлардан келадиган аҳоли Самарқандга айнан шу қишлоқ орқали ўтади.***

**Абдурасул САТТОРОВ**
**«Mahalla»**

Узоқ йўлдан ҳориб, чарчаб келаётган ҳар бир йўловчи Дарғом кўпригидан сўнг ўзида қандайдир енгиллик, қалбида кўтаринкилик ҳис этади.

— Бу бежиз эмас, — дейди «Ўрташиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шодмон Азизов. — Ҳудудимиз Дарғом каналидан бошланади. Мавжуд 652 та хонадонда 4 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Шаҳарга олиб кирувчи катта кўчанинг ҳар икки томони озода, саришта.

Шодмон Азизов фуқаролар йиғинига раис этиб сайлангач, фаолиятини маҳалла ва унинг ҳар бир кўчасини қайта ўрганишдан бошлади.

— Аҳоли билан келишган ҳолда 11 та кўча бошлиқлари танладик, — дейди раис. — Уларнинг асосий вазифаси маҳалла ҳаётида фаол иштирок этишдан иборат. Ҳар бир кўчабоши махсус дафтар юритади. Унда хонадонлардаги аҳвол тўлиқ акс этиши шарт. Масалан, ўқувчиларнинг давомати, коммунал тўловлар аҳволи, оилаларнинг моддий имконияти кўчабоши эътиборида.

Маҳалла оқсоқоли иштирокида бир неча фаоллар билан суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда хонага уч киши кириб келди. Ўзларини Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, деб таништирган Фарида Фармонова, Насиба Яҳёева, Бахтиёр Сувонқулов маҳаллада яшовчи бир ўқувчининг кейинги пайтларда дарсларга бормаётгани ва бу муаммони тезда ҳал этиш лозимлигини айтишди. Кўчабоши чақирилиб, вазият тушунтирилди. Маҳалланинг аралашуви билан ўқувчининг давомати назоратга олиниб, шу кундан ўқишга қатнаши таъминланди.

Ҳа, бугун маҳаллаларда йиғин фаоллари билан бирга кўча бошлиқлари эътиборидан четда қолаётган масала йўқ.

КАСАНАЧИЛИК



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## Доимий даромад манбаи — ҳам қулай, ҳам фойдали

***Бугун маҳаллаларда ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган, илғор технологиялар асосида ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтираётган ишбилармонлар сони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, касаначилик асосида минглаб хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, доимий даромад манбаига эга бўлаётир.***

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Янги себзор» маҳалла фуқаролар йиғинида касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда катта тажриба тўпланган. Жумладан, «Қайс гилам тўқиш» корхонаси бир неча йиллардан буён мазкур йўналишда фаолият юритиб келади. Унинг раҳбари Абдуқаюм Исроилов ҳунармандлар сулоласига мансуб. Оилавий гилам тўқиш билан шуғулланган ҳунарманд кейинчалик уни кенгайтириб, тадбиркорликка қўл урди. Дастлаб корхонага 3 нафар тўқувчи ишга олинди ва тез орада уларнинг сафи кенгайди. Айни пайтда 180 нафарга яқин хотин-қизга меҳнат дафтарчаси очилган, улардан 120 нафари буюртмаларни уй шароитида бажаради. Тўқувчилар керакли дастгоҳ ва анжомлар билан таъминланган.

> [3]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## Истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаати устувор



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

***Фуқаролар фаоллиги, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга дахлдорлиги ҳамда ҳар бир масъул шахс ўз хатти-ҳаракати жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис қилиши жамиятда аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.***

**Розиқ ҚУРБОНОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси раиси.**

Туманимиздаги мавжуд 49 та маҳалла таркиби 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтган сайловларда фидойи, ташаббускор ва, энг муҳими, тажрибали раислар ҳамда уларнинг маслаҳатчилари билан тўлдирилди.

Сайловлардан сўнг барча йиғинлар кенгашлари шакллантирилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида йиғинларнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари тузилди.

> [2]

АСКАР МАҲАЛЛАГА ҚАЙТДИ

## Қалбларда бир олам қувонч, ҳаяжон

***Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда аскарликдан қайтаётган йигитларни кутиб олиш маросимлари юксак савияда ташкил этилмоқда.***

**Иброҳим БЕК**
**«Mahalla»**

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

— Йигитлар Ватан олдидаги бурчини адо этиш билан бирга жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юксалмоқда, — дейди йиғин раиси Мукамбар Маҳаммадкаримова. — Ўтган йили қишлоғимиздан 8 нафар ёшни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатган эдик. Айни пайтга қадар улардан 3 нафари ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, оиласи бағрига қайтди. Шу муносабат билан йиғинда фаолларимиз, ота-оналар, кенг жамоатчилик ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида учрашувлар ўтказяпмиз.

Миллий армиямиз сафларидан қайтган ўғлонларнинг оила аъзолари юзида обод юртда яшаётгани, фарзандини юртга садоқат руҳида камол топтириб, вояга етказганидан мамнунлик ифодаси акс этади.

— Ўғлим Улуғбекни катта қувонч ва ҳаяжон билан кутиб олдик, — дейди Умида Юсуфбекова. — Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилганлар сафида фарзандимнинг ҳам борлигидан фахрланаман.

Улуғбек Аҳмедбеков хизмат чоғида ўзига бўлган ишончи ортди, она-юрт сарҳадларини қўриқловчи-ҳимоячига айланди.

— Ёшлигимдан эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлишни орзу қилардим, — дейди у. — Хизмат давомида орзу-истакларим янада қатъийлашди. Машғулотларда чиниқдим, тажриба орттирдим. Аминманки, бу кўникма ҳаётимда асқотади.

Йиғинда ёшларни кутиб олиш билан бирга, ҳарбий хизматга кузатиш ишлари ҳам ташкил этилаётир. Ҳозирда қишлоқдаги ўндан зиёд ёш йигитлик бурчини адо этиш учун жўнаб кетиш арафасида.

ЭЪТИРОФ

## Ҳавас ва ҳайратни уйғотган диёр

***Ўзбекистон — тинчлик диёри. Мамлакатимизда осойишта ҳаёт, миллатлараро ҳамжиҳатлик мустаҳкам қарор топган. Буни нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда. Улар она-заминимизни жадал ривожланаётган давлат, гўзал қадриятлару эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган юрт сифатида қадрлашади.***

**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Нуфузли халқаро тадбирларда иштирок этиш учун Ватанимизга ташриф буюрган айрим хорижлик меҳмонларнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Савсан НОВИЕР, (Франция):**

— Ўзбекистонда меҳмон бўлишни жуда ёқтираман. Инсонлар мени табассум билан дўстона кутиб олишади. Бу ўзбек халқига хос беқиёс фазилат, меҳмондўстликнинг ибратли намунаси.

Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларда бўлганимда, ҳайратимни яшира олмай, чексиз завқ, маънавий озуқа оламан. Ўтган йили нуфузли анжуманда қатнашиш бахти насиб этиб, юртингиз қишлоқларидаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган бир нечта уй-жойларни томоша қилдим. Ажойиб инфратузилма, замонавий қулайликлар — барчаси одамлар учун.

Фақатгина ўзбекларга хос бўлган маҳаллалар фаолияти, уларнинг замонавий қиёфаси билан яқиндан танишдим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишбилармонликни ривожлантириш, оилалар фаровонлигини янада яхшилашда ушбу ноёб институт томонидан амалга оширилаётган ишларни кўриб, очиғи, ҳавасим ортди.

Ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат барқарор бу замин мени ҳамиша оҳанрабодай ўзига тортаверади.

**Диего Гарсия МИГЕЛ, (Испания):**

— Юртингизга келганимдан жуда бахтиёрман. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўлдим. Пойтахтингиздаги хиёбонларда юрганимда, уларда каштан, эман, қарағай, япон сафораси каби манзарали дарахатларга кўзим тушди. Улар гўзал манзара ҳосил қилиши баробарида, ҳавони тозалаб, одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай ислоҳотлар нафақат аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, балки одамларнинг онгу шуури, тафаккури, дунёқараши, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартиришга, энг муҳими, келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



ЎзА сурати.

**Аҳмад Асрий АБДУЛҲАМИД, (Малайзия):**

— Саёҳатни хуш кўраман. Бетакрор юртингизга иккинчи бор келишим. Бу гал сафаримни тарихий обидаларни зиёрат қилишдан бошладим. Руҳим тетикланиб, кайфиятим кўтарилди. Маҳалла гузарларига туташ болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳайратимни оширди.

Саёҳатим таассуротларга бой. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳра олиб, табиат гўзалликларига ошуфта бўлганимдан бағоят хурсандман. Ҳавас ва ҳайратимни, албатта, юртдошларимга сўзлаб бераман.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# Иқтидор ва заковат намойиши


ЎзА сурати.

***Ҳазорасп туманидаги Пичоқчи қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Ёқуббоевлар хонадони шахматчилар оиласи сифатида кўпчиликка яхши таниш. Чунки бу оила фарзандлари — 5-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синфида ўқиётган Нодирбек ва Нилуфарнинг муваффақиятлари мамлакатимизда эътирофга сазовор бўлмоқда.***

**Эрпўлат БАХТ**
**Хоразм.**

Шахмат оила бошлиғи Мурод Искандаровнинг жону дили. У болаликдан спортнинг бу турига жуда қизиқади. Шу боис шахматга оид адабиётлар, даврий нашрларни доимий кузатиб боради. Хоҳ мактабда, хоҳ олийгоҳда бўлсин, шахмат ўйнашда анча-мунча одам Муроднинг олдига тушолмагани ҳам тўғри.

— Онам Ёрқиной Рўзматова дадам ишда бўлган пайтлари биз билан машғулот олиб борарди, — дейди Нилуфар. — Дадам ишдан келгач, икки соат биз билан шуғулланади. Уйимизда шахматга оид китоблар жуда кўп. Ботвенник, Михаил ва Александр Олёхин, Рустам Қосимжоновлар томонидан чиқарилган адабиётлар билан бизни таништирадилар.

Мурод Искандаровнинг тўнғич ўғли Нодирбек тўрт ёшида шахмат ўйнашни ўзлаштириб олган. 2010 йили 8 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритгач, Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтган шахмат бўйича болалар ўртасида Осиё биринчилигида қатнашди. Кескин ва муросасиз баҳслардан сўнг 3-ўринни эгаллади.

Шу йил Нодирбек учун сафарлар ва беллашувлар билан кечди. Грециянинг Хоми Дикей шаҳрида ўтган жаҳон биринчилигида дунёнинг турли мамлакатларидан келган 124 нафар бола ичида ўз иқтидор ва заковатини синовдан ўтказди. Нодирбек 6-ўринга муносиб, деб топилди ва диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2011 йил Нодирбекни Филиппин ўз бағрига чорлади. Бу ерда ўтган мусобақаларда жаҳоннинг 30 нафар кучли шахматчи болалари қатнашди. Бу мусобақада у фахрли 3-ўринни қўлга киритди. Шу муносабат билан Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Ушбу мусобақада унинг синглиси Нилуфар 7-ўринни забт этди. 2012 йилнинг апрель ойида Тошкентда 12 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида Нилуфар ғолиблик шоҳсупасининг 3-поғонасидан жой эгаллади.

Бугунги кунда Нодирбек ва Нилуфар шахмат бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларидир. Улар ёрқин орзулар билан камол топмоқдалар. Ҳозир иккаласи болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўришаётир.

Ҳа, мамлакатимизнинг олис бир қишлоғида яшаб, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ўз иқтидор ва заковатини намойиш қилаётган бу ака-сингил тимсолида Ўзбекистоннинг бахтли ва баркамол авлодини кўриш мумкин.

ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ

# Кўза кунида синади

***Бу сафар улар қўлга тушишди. Ахир, кўза кундамас, кунида синади-да. 2013 йил 26 апрелида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани судида Тоҳир Деҳқонбоев ва унинг жияни Файзулла Ваҳобовнинг жиноий иши юзасидан ҳукм чиқарилди. Айни кучга тўлган, элу юртга нафи тегадиган ёшдаги бу йигитларнинг айби нима дейсизми?***



Гап шундаки, 1971 йилда Тошкент вилоятида туғилган, 4 нафар фарзанднинг отаси Т.Деҳқонбоев икки бора судланган. Давлатимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган одилона сиёсати туфайли унга нисбатан амнистия акти қўлланилган. Аммо унинг барибир «кўзи очилмади». Тўғри, бир муддат фермер хўжалигида ишлаб юрди. Аммо бел оғритмай пул топиш, мол-дунё дарди уни тер тўкиб ишлашга қўймади.

Кунлардан бир куни у келиб чиқиши Тожикистондан бўлган «Бобосалим» исмли шахс билан танишиб қолди. Шундан сўнг унинг миясида турли бадниятлар куртак ота бошлади. Аниқ тўхтамга келгач, яъни 2012 йилнинг апрель ойида Т.Деҳқонбоев «Бобосалим»ни излаб қолди. Телефондаги гурунг соғлик-эсонлик сўрашишдан бошланиб, бутунлай бошқа ўзанга бурилиб кетди. Т.Деҳқонбоев «ошна»сига Тожикистонда гиёҳванд моддасини топиш осонлиги, бунинг ортидан мўмай даромадга эга бўлиб, кайфу сафода яшаш мумкинлигини айтди. Ҳатто уни ўзининг «пухта» жиноий режаси билан ҳам қисман таништирди. Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек «Бобосалим» ҳам ҳаромдан ҳазар қилмайдиганлар хилидан экан. Шартта бу таклифга кўниб, «дўсти»ни Бекобод тумани чегарасига чақирди.

Т.Деҳқонбоев белгиланган жойга кечикмай, интизор қилмай етиб борди. Чегара панжараси ортида эса, кўзи олазарак «Бобосалим» турар, уни ўзига имларди. «Бобосалим» гиёҳванд моддани текшириб, мазасини тотиб кўриш мақсадида «бир доза» нашани тошга боғлаб «меҳмон»га улоқтирди. Т.Деҳқонбоев чаққонлик билан заҳри қотилни илиб олиб, тотиб кўрди. Мол синовдан ўтди. Шундан сўнг улар тезда хайр-хўшлашишди. Ахир, эҳтиёт бўлган яхши, чегарада изғиб юришганини биров кўрмагани маъқул.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, улар кейинги «фаолиятлари»га доир режаларини телефонда яна бир қур «ўртоқлашиб» олишди. Режага кўра, Т.Деҳқонбоев «Бобосалим»дан гиёҳванд моддаларни қабул қилиб, уларни контрабанда йўли билан йўналтириши ва Қозоғистон Республикаси чегарасига туташ ерларда қолдириб кетиши керак эди. Заҳри қотилни у ердан «Бобосалим»нинг қозоғистонлик танишлари олиб кетарди. Шу тарзда Т.Деҳқонбоев Тожикистон Республикаси фуқароси «Бобосалим» ва Қозоғистон Республикасида истиқомат қилувчи «Нурлан» билан жиноий тил бириктирди, Тожикистон Республикасидан давлатимиз ҳудудлари оша Қозоғистон Республикасига етказиш бўйича гиёҳванд моддалар контрабандаси режаси тузилди.

Т.Деҳқонбоевга ушбу хизматлари эвазига яхшигина мукофот ваъда қилинган эди. Пулга муҳтож бўлиб юрган Т.Деҳқонбоевнинг кўзларини нафс пардаси қоплади, қабиҳ ниятлари авж олди. 2012 йилнинг июль ойида «Бобосалим» амалиётга киришди. У Т.Деҳқонбоевга қўнғироқ қилиб, Бекобод туманида жойлашган «Тераксзор» чойхонаси ёнидаги бекат орқасидаги дарахт тагидан 5 килограммли гиёҳванд моддани олиб кетиши мумкинлиги хабарини етказди. Иш хамирдан қил суғиргандек битди. Т.Деҳқонбоев 5500 АҚШ долларига баҳоланган «товар»ни қабул қилиб, уйига олиб келди ва майда қисмларга тақсимлаб, таниш бангиларга пуллай бошлади. 2012 йилнинг август ойида шу каби жиноят «операция»си яна бир бор муваффақиятли амалга оширилди.

Иш қолипидан осон ва бехатар кўчиб, ҳаром даромадга эга бўлганларнинг нафси ўпқонга айланди. «Фаолият кўлами»ни янада кенгайтириш илинжида янги шериклар топиш, янги режани амалга оширишга киришишди. Бу сафар «Бобосалим» 5 килограмм наша ва 1 килограмм героин ҳақида сўз очди. Т.Деҳқонбоевнинг мўлжалига кўра, бу галги «ўлжа» каттароқ, даромад эса кўпроқ бўлиши керак эди. Келажакда «товар» янада кўпайишига умид қилган Т.Деҳқонбоев ишончли ёрдамчига эҳтиёж сезди. Дастлаб у бу ишга 1987 йилда туғилган, ҳали уйланмаган жияни Файзулла Ваҳобовни жалб қилди. «Жиян» ҳам илгари судланганлардан эмасми, ишга тезда кириша қолди. Т.Деҳқонбоев уни ёнига олиб, «орттирган бой тажриба-си»ни миридан сиригача ўргатди.

«Ҳамкорлар» шахсий «Lacetti» автомашинасида Бўка туманидаги Бўстон аҳоли пункти сари йўл олишди. Келишилганидек, Бўстон канали қирғоғидаги тиканлар орасидан улар елим халтага ўралган гиёҳванд моддаларни топишди ва ушбу халтани автомашинанинг олд қисмидаги гиламча остига жойлаштиришди. Ўлжани қўлга киритиб, мўмай фойдани чамалаган тоға-жиянлар машинани манзил томон елдиришди.

Аммо уларнинг хом хаёллари йўлда — милиция блокпостига яқинлашгандаёқ пардай тўзиди. Нимадандир гумонсираган ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари уларни тўхтатиб, гувоҳлар иштирокида машинани кўздан кечиришди. Ҳаммаси кундек равшан бўлди. Гиёҳванд моддалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Суд кимёвий экспертизаси белгиланиши билан рад этиб бўлмайдиган далиллар йиғилди. Ҳамтовоқларнинг айбини тан олишдан бошқа иложи йўқ эди. Суд қарорига кўра, давлат рақами 10В 808СА бўлган «Lacetti» автомашинаси, учта уяли телефон аппарати жиноят қуроли деб топилиб, давлат ҳисобига мусодара қилинди. Ўрта Чирчиқ тумани судининг қарорига мувофиқ, Тоҳир Деҳқонбоев амалга оширган жиноятлари учун 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Уйланиш, оила қуриш ва ҳаётдан завқланиш ёшидаги Файзулла Ваҳобов ҳам умрининг гуллаган даври — 15 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. 15 йилга белгиланган жазо муддати жиноятчиларнинг тўғри хулоса чиқариб олишлари учун етарли муҳлатдир. Аммо ҳаром иш билан шуғулланиб, босар-тусарини билмай қолган бу кимсаларнинг кирдикоридан, юриш-туришидан наҳотки қўни-қўшни, маҳалла-кўй бехабар қолган бўлса? Ҳатто ўз уйида заҳри қотилни майдалаб пуллаб юришсаю, уларнинг хонадонига кимлар келиб-кетаётгани наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмаса? Бундай эътиборсизлик, лоқайдлик охир-оқибат жондан азиз, беғубор фарзандларимизнинг ҳам умрига зомин бўлиши мумкин-ку? Шундай экан, оқ ажал исканжасидан ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини, оилалар тинчлигини асрайлик. Токи кейин кеч қолиб, пушаймонлик ўтида қовурилганнинг асло фойдаси йўқ.

*uz24.uz* сайтидан олинди.

## Дунё бўйлаб

# Сувости кемасида тутун

***Ҳиндистонда «Синдуратна» (INS Sindhuratna) дизель-электрли сувости кемаси туташи оқибатида икки нафар денгизчи ҳаётдан кўз юмган.***



Ҳодиса Мумбай акваториясида амалга оширилаётган синов чоғида содир бўлган. «The Hindustan Times»га кўра, тутундан жабрланган яна етти нафар киши шифохонага ётқизилган.

Ҳодиса туфайли кемага жиддий зарар етмаган. Унда қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар бўлмаган.

Ҳозирча туташ сабаблари хусусида расмий маълумот йўқ. Дастлабки тахминларга кўра, субмарина аккумуляторидаги бўлмадан тутун сизиган.

# Ноқонуний омбор аниқланди

***Полиция Германия ғарбидан Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушида фойдаланилган қурол-аслаҳаларнинг ноқонуний омборини топган.***



«Rhein-Neckar-Zeitung»нинг ёзишича, Рейнланд-Пфальц федерал еридаги Бельхайм музофотида 200 килограммга яқин артиллерия ва зенит снарядлари, шунингдек, иккита пистолет топилган. Улар хусусий гараж остидаги ертўлада сақланган.

Маълумотларга кўра, омбор бельхаймлик 51 ёшли шахсга тегишли. 2013 йил декабрда божхоначилар уни Франкфурт аэропортида иккита граната билан қўлга олишган, аммо кейинроқ у қўйиб юборилганди. Кейинчалик бу киши ноқонуний қурол-яроғ сақлашда гумонланиб, ҳолат бўйича тергов ишлари бошлаб юборилган.

# Тиниб-тинчимаслар ихтироси

***«Marutomi Seiko» компанияси ҳамда Гифу университети ходимлари ўрмонкесар робот яратишди.***



Унинг асосий вазифаси дарахт танаси бўйлаб ҳаракатланиб, шохларни кесишдан иборат. Ишланма муаллифлари роботни энергияни тежовчи занжирли арра билан қуроллантиришган. Аппарат ўрмончиларни оғир дарахт таналарни кесишдек хавфли ишдан халос этади.

Ўрмонкесарнинг оғирлиги 13 килограмм. У дарахт танасининг пастидан баландига қадар қалинлиги 25 сантиметрли шохларни кеса олади. Тана бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги дақиқасига 25 сантиметрни ташкил қилади.

**Интернет материаллари асосида**
**М.ЖЎРАҚУЛОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 2 октябрдаги 10-1303/16290-сонли ҳал қилув қарорига асосан Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилот сифатида 2000 йил 15 майда 412-сон билан давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши фаолияти тугатилди.

Кенгаш иш фаолияти юзасидан даъво ва аризалар бўйича Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувига мурожаат қилинсин.

Телефонлар: 236-37-90, 233-41-52.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-а уй.

ДАВРА СУҲБАТИ

# Жамият тараққиёти гарови

***Жарқўрғон туманидаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда «Ёшлар сиёсати — жамият тараққиёти гарови» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.***

**Мухбиримиз.**

Тадбирда Президентимизнинг ёшлар сиёсатига доир қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоялари, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилгани алоҳида таъкидланди.

— Бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар, аввало, ҳар бир оилада, маҳаллада ёшларни ҳар жиҳатдан юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга шахслар этиб вояга етказишга қаратилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Омонов. — Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса барча соҳаларда юксак ютуқларга эришиш имконини бермоқда.

Тадбир иштирокчилари ташкил қилинган кўргазмалар орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг натижалари билан танишди. Бу каби тадбирларни вилоятнинг бошқа маҳаллаларида ҳам ташкил этишга келишиб олинди.

БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

# Барча қулайликлар мавжуд

***Маҳаллалар ҳудудида болалар спорт майдончаларининг барпо этилиши ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида муҳим омил.***



**Иброҳим БЕК**
**«Mahalla»**

Шу боис «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан мазкур чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қосим ота Фармонов номли маҳалла ҳудудида замонавий болалар майдончаси фойдаланишга топширилди, — дейди Фонднинг Бекобод шаҳар бўлинмаси масъул котиби Дилдора Исмоилова. — «Фарғона» ва «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинидаги майдончалар эса қайта таъмирланиб, зарур анжомлар билан жиҳозланди. Айни пайтда фарзандларимиз ушбу майдончаларда спортнинг бир неча турлари билан шуғулланмоқда.

Соғлом бола йилида бу борадаги ишларни янада жонлантириш режалаштирилган. Хусусан, ҳозирда «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барча қулайликларга эга спорт майдончасини қуриш ишлари поёнига етказилмоқда.

ОНА-ТАБИАТ

# Булоқлар мавжланиб оқади

***Булоқлар — табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Унинг сувидан ичиб, танангиз яйрайди, билагингизга куч, белингизга мадор югуради...***

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Шифобахш булоқлар Жиззах вилоятининг тоғли ҳудудларида жуда кўп. Беморлар дардларига шифо излаб, узоқ-узоқлардан келадилар. Қўтирбулоқда тери касалликларига даво топадилар, Кўлсолди чашмасига борганлар қўл ва оёқларидаги дардлардан фориғ бўладилар, Мойбулоқ суви эса ички аъзоларнинг дардига шифо. Қизилбулоқнинг сувини ичилса қон босими маромига тушади...

Айни пайтда улар катта бир тарихни ҳам ўз бағрларида пинҳон сақлаётирлар. Моргузар тоғлари ҳудудида жойлашган манзилларда бўлсангиз, булоқлар қайнаб-жўшиб ўз тарихларини сўйлайдилар. Моргузарда соҳибқирон Амир Темур чашмаси бор. Ул зот булоқ четига чинор ўтқазган. Айни саратон авжида олмосдай ярқирайдиган қорлар тошлар орасидан сизиб шилдирайди, қубба-қубба бўлиб минг хил ҳолатга киради...

— Паймат булоқнинг суви тахир, шўр, — дейишди у ерга борганлар. — Унинг сувидан ичсангиз, ошқозон-ичак касалликларидан қутиласиз. Таркибида ички аъзоларга малҳам бўладиган минераллар жуда кўп.

— Бундай булоқлардан сув ичганлар меҳр-оқибатли, одамлар корига ярайдиган, саховатли бўладилар, — деди Аъзамжон исмли бир зиёратчи. — Бу булоқлар инсонни гўзалликка чорлайди, вужудига улуғвор руҳ ато этади. Булоқларнинг бизга азизлиги ҳам шунда!

Бугунги кунда нафақат тоғли ҳудудларда, балки она сайёрамизда сувга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Булоқларнинг сувлари қадоқланиб, савдо дўконларида сотиляпти. Бизнинг чашмаларимизни кўриш учун узоқ-узоқлардан сайёҳлар келадилар. Булоқлар сувини ўз юртига совға сифатида олиб кетишади. Ниҳоят, уларни асос қилиб, даволаш муассасалари, шифохоналар барпо этишмоқда. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида қурилган сув билан даволаш масканлари фикримиз исботидир.



Халқимизда: «Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур», деган мақол бор. Булоқларнинг сувлари йиғилиб, ариқ бўлади, ариқлар дарёга айланади. Сувлар табиатнинг, тирикликнинг манбаидек мавжланиб оқаверсин.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Нашр кўрсаткичи: 148 | 25680 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9306 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Услубий ва амалий кўмак изчиллиги таъминланади




■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Кенгаш Низомида фуқаролар йиғинлари соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси мониторингини олиб бориш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш белгиланган. Ушбу мақсадда ўтган давр мобайнида Кенгашнинг махсус ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларда ижро интизоми, иш ҳужжатларини юритиш борасида ўрганишлар олиб борилди. Камчиликларга йўл қўйган фуқаролар йиғинлари ходимларига тегишли услубий тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ушбу жараённи янада такомиллаштириш мақсадида кенгаш аъзолари саъй-ҳаракати билан ҳар бир туманда намунали маҳаллалар шакллантирилди ҳамда уларда муайян ҳудуд бўйича амалий семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини амалга ошириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга кўмаклашиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Натижада 26 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, 120 таси компьютер жамланмаси, 71 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Ушбу мақсадларга Фонднинг вилоят бўлими ва туман(шаҳар) бўлинмалари ҳисобидан 510 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бевосита Кенгаш аралашуви билан маҳаллаларда истиқомат қилаётган 120 та оилавий тадбиркорлик субъектига имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашилди. Маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ҳамда анъаналарини асраш ва оммалаштириш мақсадида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз», «Ёшлар «оммавий маданият»га қарши» сингари маънавий тадбирлар ўтказилди.

— Албатта, Ҳудудий кенгашнинг самарали иш юритиши кўп жиҳатдан шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятига боғлиқ, — дейди М.Тоиров. — Шу боис Ҳудудий кенгаш томонидан ҳар бир фуқаролар йиғини ва унинг фаолият қамровидан келиб чиқиб, иш режалар тузилди. Жамиятда тобора мавқеи юксалиб бораётган маҳалла институти ходимларининг билими, дунёқараши, малакаси ҳам юқори бўлмоғи лозим. Негаки, у шу ҳудудда яшовчи аҳоли учун ибрат намунасидир. Кенгаш томонидан маҳалла фаоллари ўқувини ташкил этилиши нафақат уларнинг касбий билим ва кўникмаларини оширади, балки маънавий камолотини ҳам шакллантиради.

Бир сўз билан айтганда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашлар маҳалла институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаати устувор



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Тумандаги фуқаролар йиғинларининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялари аъзолари низомда белгиланган ваколатлар доирасида ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатган. Бу, айниқса, фуқароларнинг қиш мавсумини ортиқча қийинчиликларсиз ўтказишида қўл келди.

Бугун маҳаллалар аҳли ўзларини ўйлантираётган муаммоларни биринчи галда, ҳеч иккиланмасдан йиғин фаолларига айта олади. Мисол учун, февраль ойи бошида об-ҳаво кескин ўзгариб, кучли ёмғир қорга айланиши аҳолига бирмунча қийинчиликлар туғдирди. Хусусан, баъзи кўп қаватли уйларга кодли эшик ўрнатилмагани ҳамда синган деразалар ўз вақтида алмаштирилмаганлиги боис йўлакдаги қувурлар музлаб қолди. Оқибатда томдан эриб тушаётган сувлар тошиб, зиналарнинг музлашига олиб келди.

Қишнинг совуқ кунларида фуқаролар йиғинларининг фаоллари тегишли ташкилотлар ходимлари билан аҳоли массивлари, мактабгача таълим ҳамда таълим муассасалари, тиббиёт масканларида ўрнатган тунги навбатчилиги кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда асқотди. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзлари ҳам жонбозлик кўрсатгани айни муддао бўлди.

2014 йилдан бошлаб маҳаллаларда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш мақсадида комиссия аъзолари томонидан жадвал асосида навбатчилик ташкил этилди. Жорий йилнинг январь ойи давомида ҳудуддаги 174 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан ҳудуддаги Эски Жува, Ибн Сино бозорларида жамоатчилик назорати ўрнатилди. Ҳар икки бозор маъмурияти билан ҳамкорликда нарх-навонинг асоссиз ошиши ҳамда сифатсиз маҳсулотларнинг сотилишига барҳам берилди. Айни пайтда туман аҳолиси арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган ярмаркалар фаолиятидан мамнун.

Комиссия аъзолари ҳудудда қонун бузилиш ҳолатлари ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида фуқаролар хавфсизлиги ва ҳудуднинг санитария ҳолатига салбий таъсир этувчи турли ноқонуний қурилмаларга қарши туман давлат солиқ инспекцияси, санитария-эпидемиология назорати вакиллари, профилактика инспекторлари билан биргаликда тегишли чоралар кўрмоқдалар.

Тумандаги «Тинчлик», «Шодлик», «Белтепа», «Шофайзи», «Лабзак», «Чақар», «Ўрда», «Гулбозор» ва О.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғинларининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялари фаолияти намунали йўлга қўйилган. Комиссия аъзолари ўзларининг билим ва тажрибаларини бошқа маҳалла фаолларига ўргатиб келмоқда.

«Гулбозор» маҳалласининг мазкур комиссиясига фуқаро А.Юсупов томонидан ҳудуддаги Эски Жува деҳқон бозорида фаолият кўрсатувчи озиқ-овқат дўконида муддати ўтган сифатсиз қандолат маҳсулотлари сотилаётгани тўғрисида шикоят келиб тушган. Ушбу масала жойига чиқиб ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам қандолат маҳсулотлари муддати 2013 йил 25 декабрда тугагани маълум бўлди.

Дўконда айрим маҳсулотларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмасдан сотилаётгани ҳам аниқланди. Комиссия аъзолари бу ҳақда далолатнома тузиб, фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этди. Кенгаш бу масалани кўриб чиқиб, тадбиркорлик субъекти раҳбарини огоҳлантирди. Шу тариқа дўкондаги эски маҳсулотлар савдодан олиб ташланди.

Айни пайтда, комиссия аъзолари кўчама-кўча юриб, кўп қаватли уйлар, йўлаклар бошлиқлари, якка тартибдаги ҳовлиларда эса кўчабошиларга тозаликка риоя қилишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида атрофлича тушунчалар бермоқда.

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# Ишдан кўнгил тўлса ҳам, талабчанлик бўшашмайди

***Поп туманидаги «Марғизор-2» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Азиза Олимова ҳудуддаги энг фаол аёллардан. Ундаги ташкилотчилик қобилияти, одамларни ортидан эргаштира олиш салоҳияти туфайли йиғин нафақат туманда, балки Наманган вилоятида энг ибратлилар қаторидан ўрин олган.***

■ Жамшид БЕК
«Mahalla»



Шу боис фуқаролар йиғини ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар фаолиятини ёритиш мақсадида маълумот сўраганимизда, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмасидагилар айнан шу маҳаллани тавсия этишганида ҳайрон бўлмадик.

Худди шу дамда опа маҳаллада хонадонма-хонадон юриб, саранжом-саришталикни ўрганаётган, аҳолига турмуш маданиятига доир зарур тушунча ва маслаҳатини бераётган экан. Суҳбатимиз ҳам шу мавзудан бошланди.

— Кунлар исиб, баҳор нафаси сезилиб қолгач, экин-тикин ҳаракати бошланади. Шу кунларда маҳалладошларимиз кўча, ҳовли ва томорқаларини тартибга келтириш, ариқ-зовурларни тозалаш ҳаракатига тушиб қолишган. Ҳудудимиздаги фермерларга ёрдам бўлади, деган ўйда гўнг ва чиқиндиларни яқин атрофдаги далаларга чиқаряпмиз, — деди у қилаётган ишларини изоҳлаб.

Дарҳақиқат, йўл четларига тўпланаётган чиқинди уюмлари пешма-пеш транспортга юкланиб, далага ташиб кетилмоқда. Шу аснода раиса билан қизғин суҳбат қурдик.

Азиза Олимова мустақилликнинг йигирма икки йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан давлат мукофотига сазовор бўлганлардан. Кўксини безаб турган «Шуҳрат» медали эл-юрт корига яраётган инсоннинг меҳнатига берилган муносиб баҳо.

— Бу эътироф мени янада фаолроқ ишлашга, зиммамдаги масъулиятни бир дам бўлса-да, унутмасликка ундайди. Айни вақтда янгидан-янги муваффақиятларга рағбатлантиради, — дея ўз дил сўзларини изҳор қилди, у.

Суҳбатимиз фуқаролар йиғини ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятига кўчди. Бу борада опага ҳеч бир маълумотнома шарт эмас экан.

— Аҳолимизнинг салкам ярмидан кўпроғи хотин-қизлар. Улар билан ишлаш доимий эътиборимизда. Комиссия раиси — Дилбархон Қодирова ҳам жонкуярлардан бири. Ўзи оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, кўчат етиштиргани боис, кўплаб уй бекаларини ҳам шу соҳа билан шуғулланишга ундамоқда. Ҳозир ундан ўрнак олиб, оилавий тадбиркорликка қўл ураётган дугоналари кўпайган. Рисолат Эркабоева, Эргашой Мўминова шулар жумласидан. Шунингдек, Лобар Тожибоева, Наргиза Отабоева каби қўлигул чеварлар тикувчилик цехи очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш баробарида, ўн-ўн беш нафардан ёш қиз-жувонларга ҳунар ҳам ўргатишяпти.

Шу кунларда комиссия балоғат остонасидаги қизлар билан ишлаш, айниқса, уларни турмушга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Моҳир педагог Манзура Қодирова бошчилигида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги доимо гавжум. Унинг ҳар бир машғулотида маҳалламиз кайвонилари ҳам қатнашиб, мароқли суҳбат қуришяпти. Ёшларимиз асосан 6-умумтаълим мактаби ҳамда Транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида таҳсил олишади. Шу боис мазкур таълим даргоҳлари мутасаддилари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фуқаролар йиғини раиси яна кўплаб мисоллар келтирди. Унинг комиссия билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатгани, фаолияти ҳақида яхши хабардорлиги ҳар бир сўзидан сезилиб турибди. Зеро, комиссия таркиби кўпга ўрнак бўладиган, бошқаларни ҳам ортидан эргаштира оладиган муносиб аёллардан тузилган. Айниқса, Дилшода Каримова, Сорахон Жаннатова каби тажрибали мураббийлар фаолиятидан барча мамнун. Раисанинг таъкидлашича, амалга оширилаётган ишлар салмоғидан кўнгил тўлсада, хотиржамликка асос йўқ. Чунки комиссия олдига қўйилган вазифалар ижросига нисбатан талабчанликни асло бўшаштириб бўлмайди.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

# Мақсади либоси каби оқ

***Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Бунда маҳаллалар билан оилавий поликлиникалар ҳамкорлиги яхши самара бераётир.***

■ Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Хувайдо» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 45-сонли оилавий поликлиникада барча қулай шароитлар яратилиб, тиббий кўриклар замонавий технологиялар асосида амалга оширилмоқда. Беморлар билан мулоқот қилишда «Ширин сўз — жон озиғи» ақидасига амал қилаётган шифокорлар хизматидан аҳоли мамнун.

Қувонарлиси, тиббиёт масканида касбининг ҳақиқий фидойилари кўпчиликни ташкил этади. Катта тажрибага эга жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Раймқул Умаров ана шундай инсонлардан. Тажрибали шифокорни маҳалла аҳли ҳурмат қилади.

— Поликлиникамиз ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик бизга қўл келмоқда, — дейди Р.Умаров. — Бу борада талай қулайликлар яратилган. Тўғри ва рационал овқатланиш, руҳий осойишталикни таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш, соғлом турмуш тарзини татбиқ этишда бу, айниқса, катта самара бераётир. Маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Буни ҳамма билиши керак», «Ёмон иллатлар — умр заволи» каби мавзулардаги давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз.

«Хувайдо» аҳли орасида «Қўли енгил шифокор», дея таърифланадиган Р.Умаров поликлиникада «Маҳорат ва амалиёт» мактабини ҳам ташкил этган. Унда тиббиёт йўналиши бўйича таҳсил олаётган талаба-ёшлар малака оширишади. Машғулотларнинг барчаси амалиёт тарзида олиб борилади.

— Ўрганган билимларимни мустаҳкамлашимда маҳорат мактаби катта ёрдам беряпти, — дейди Тошкент тиббиёт академияси 6-курс талабаси Жасим Алиев. — Машғулотларни орзиқиб кутамиз. Боиси, тажрибали шифокор билан ишлаш, ўрганиш имконияти доим ҳам бўлавермайди. Мазкур мактаб назарий ва амалий билимлар уйғунлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Ҳа, ёшларга касб сирларини мукаммал ўзлаштиришда кўмаклашаётган нияти либоси каби оқ шифокор сабоқ бераётган «Маҳорат ва амалиёт» мактаби ҳам шу мақсадларга йўналтирилган.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Даврга ҳамоҳанг ҳамкорлик

***2013 йил давомида мамлакатимиздаги 2230 та маҳаллада биророта ҳам жиноят содир этилмади. Бундай юксак натижаларга эришишда ҳудудлардаги милиция таянч пунктлари билан фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг ҳамкорлиги қўл келмоқда.***



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

Посбонлар сафига эл-юрт ташвишида ёниб яшайдиган, кўнгилли йигитларнинг жалб этилиши бевосита ҳудудлардаги милиция таянч пунктлари инспекторлари иштирокида амалга оширилади. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ, тузилмага қабул қилиш учун танланган номзоднинг шахси ва турмуш тарзи маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари томонидан милиция таянч пункти инспектори иштирокида ўрганиб чиқилади. Ижобий тавсифланганларни посбонликка қабул қилишда ва ўзларини салбий намоён этганларни посбонликдан чиқаришда милиция инспекторининг фикри муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳамкорлик натижасида юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатадиган мард ва жасур посбонлар сони тобора ортиб бораётир. Энг аҳамиятлиси, хизмат жараёнида ижобий тавсифномага эга бўлган йигитларни ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда ҳам алоҳида имкониятлар яратилган. Бундай ҳамжиҳатлик самараларини оммалаштириш эса муваффақиятларга гаров бўлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан намунали милиция таянч пунктлари ва жамоатчилик вакилларининг ҳамкорликдаги фаолияти бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури белгиланган. Куни кеча ниҳоясига етган уч кунлик семинар-машғулотларда Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этишди.

— Кучли фуқаролик жамиятига ўтишда қонун устуворлигига эришиш билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шиддат билан ўзгараётган замонга мос профилактика хизмати тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди тадбирда сўзга чиққан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Бу жараёнда милиция таянч пунктлари билан фуқаролар йиғинларининг ҳамжиҳатлиги кўплаб муаммоларга ечим бўла олади. Айни пайтда ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга оид вазифаларни бекаму кўст амалга ошириш ва бошқа қатор устувор вазифалар юзасидан ҳар бир маҳалла посбони бевосита маъмурий ҳудудга бириктирилган профилактика инспектори билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Айнан ушбу ҳамкорлик доирасида нафақат ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши профилактик тадбирлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда, балки ноқонуний равишда маҳаллада истиқомат қилаётган, узоқ муддатдан буён уйига келмаётган, турли номақбул фаолият билан шуғулланаётган ҳамда қонунда белгиланган бошқа меъёрларни бузаётган шахслар хатти-ҳаракатидан ўз вақтида воқиф бўлиб, нохуш вазиятларга чек қўйилаётир.

Семинар давомида айнан ушбу саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Иштирокчиларнинг малака ва кўникмаларини ошириш борасида истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Mahalla
ШАНБА
2014 йил 1 март,
№19 (986)



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Истиқболли лойиҳалар — тараққиёт омили



■ ЎзА сурати.

< [1]

Қўқон шаҳридаги «Автосаноат комплект» корхонаси ана шундай субъектлардан. Бу ерда асакалик автомобилсозлар буюртмаси асосида «Spark», «Damas», «Cobalt» автомашиналари учун 70 турдан ортиқ эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда.

— Илгарилари бундай маҳсулотлар хориж компанияларидан харид қилинарди, — дейди корхона раҳбари Аъзамжон Сулаймонов. — Бу маҳсулот таннархини оширар, корхона фаолияти четдан келаётган хомашёга боғланиб қоларди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бажарилган истиқболли лойиҳалар самараси туфайли ҳар ойда 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари тежаб қолинмоқда.

Замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган янги қувватлар ички бозор талабини қондириш билан бирга, экспортга ҳам йўл очмоқда. Қувасой шаҳридаги «Фарғона цемент» қўшма корхонаси, Учкўприк туманидаги «Ҳумо тўқимачи» ҳамда Фарғона шаҳридаги «Экопласттекс» масъулияти чекланган жамиятларида, Данғара туманида ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича йирик инновацион лойиҳалар амалга оширилди. Дастурга кўра, кўмир брикети, иситиш батареялари, машинасозлик, кимё ва нефть, электротехника, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш баробарида янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

— Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг кўламли вазифалар белгилаб олинди, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Ғайратжон Турғунов. — Хусусан, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали саноат маҳсулотларининг экспортидаги улушини янада ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, соҳани тараққий эттириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланаётир. Унга кўра, 521 та лойиҳа ҳисобига 11 минг 802 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Бир сўз билан айтганда, соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар аҳоли бандлиги, юрт тараққиёти, маҳаллалар ободлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

КАСАНАЧИЛИК

# Доимий даромад манбаи — ҳам қулай, ҳам фойдали

< [1]

— Касаначилик аёллар учун ҳар томонлама қулай иш усули, — дейди Карима Иброҳимова. — Уй юмушлари билан бирга гилам тўқишга ҳам улгурамиз. Зарур шарт-шароитлар яратилган. Қувонарлиси, фарзандларим ҳам дарсдан бўш вақтларида менга ёрдамлашиш асносида ҳунар ўрганишяпти.

Корхонанинг қўшни туманларда яна 12 та филиали мавжуд. Улар қошида ўқув маркази ҳам ташкил қилинган. Ҳозирда тадбиркор учта касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда ёшларга сабоқ бермоқда. Ўтган йили улардан 60 нафари ишга олинди. Бугун улар томонидан 20 турдаги шолча ва гиламлар буюртмачиларга етказиб берилаётир.

Маҳаллада яшовчи Махфура Қодирова банк кредити ҳисобига оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳамда ташкилот ва муассасалар учун Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларидан бири — байроқ тикишни йўлга қўйди. Натижада ҳудуднинг 30 нафардан зиёд хотин-қизи ишли бўлди. Тадбиркор яқинда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, касаначилик асосида аёллар кийимларини тикишни бошлади. Яна ўн нафарга яқин касб-ҳунар коллежи битирувчиларига меҳнат дафтарчаси очилди. «Аъло омад ривожи» цехи жорий йилда ишбилармонлар ўртасида ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, муқаддас ҳаж сафарига кетаётганлар учун махсус либос ва сумкалар тикиш имкониятини қўлга киритди.

Шаҳноза Мақсудова ҳам айнан шу йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бежирим ва чиройли либослар яратилаётган «Шаҳноз ўқув маркази»да ҳудуднинг йигирмага яқин хотин-қизи ўз маҳоратларини оширишмоқда. Бундан ташқари, ўн нафардан зиёд ёш болали аёл уй меҳнатида буюртмачиларга сифатли маҳсулот етказиб бераётганидан мамнун.


■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Ҳудудимизда меҳнат турини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қувонарли натижаларга эришяпмиз, — дейди йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси раиси Ботир Шодмонов. — Хусусан, аёлларнинг фарзанд тарбиясидан ажрамаган ҳолда меҳнат қилиб, даромад топиш имконига эга бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса тадбиркорга ҳам, касаначига ҳам бирдек қулайлик яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш фаровонлигини янада мустаҳкамлаш, бандлик даражасини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилаётир.

ЯНГИ КОРХОНА — ЯНГИ ИШ ЎРНИ ДЕМАК

# Ширинликлар эл дастурхонига

***Бугун маҳаллаларда хусусий бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолияти кенгаяётгани боис янгидан-янги корхона ва цехлар ташкил этилиб, аҳоли фаровонлиги таъминланиши баробарида, реал даромади ошиб бораётир.***

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»**



Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Токзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Мақсуд миллий ширинликлар» корхонаси иш бошлади. Беш киши фаолият кўрсатаётган мазкур цехда ўндан зиёд турдаги қандолот маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Буюртмачиларга кунига 600 килограммгача ширинлик етказиб берамиз, — дейди корхона раҳбари Мақсуд Жўраев. — Маҳсулотларимиз эл дастурхонидан жой олиб, харидорларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз.

Тадбиркор яратилаётган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажакда фаолият турини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишни мўлжалламоқда.

# Ёшлар ишли бўлишди

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғинида бандликни таъминлаш борасида ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.***

■ **Мухбиримиз.**



— Бугунги куннинг долзарб масаласи замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратишдир, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Исҳоқова. — Йиғинимиз ташаббуси билан 20 нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди.

Яқинда икки нафар ёш қолипли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида, 3 нафар йигит-қиз эса «Ўзпахтамаш» корхонасида ўз иш ўринларига эга бўлди.

— Маҳаллада ёшларга ҳунар ўргатиш, шунингдек, уларни доимий меҳнатга жалб этишда йиғин мутасаддилари билан ҳамжиҳатликда ишлаш яхши самара бермоқда, — дейди «Bred-Market» хусусий корхонаси раҳбари Бобур Аҳмедов. — Цехимиз ташкил этилишида маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта бўлди.

Маҳалладаги тажриба бошқа йиғинларга ҳам намуна бўлаётир.

# Қишлоқ чирой очмоқда

***Избоскан туманининг Чувама қишлоғи марказида уч қаватли муҳташам иморат қад ростлади.***

■ **Нурилло НЎЪМОНОВ.**

Тадбиркор Илҳомжон Қаюмов ташаббуси билан замонавий кўринишда барпо этилган бинонинг биринчи қаватидан умумий овқатланиш шохобчаси жой олди. Юқори қаватларда эса озиқ-овқат ва гўшт дўконлари, дорихона ҳамда компьютер хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоиз, маҳаллий тадбиркорлар саъй-ҳаракати туфайли Чувама қишлоғи кейинги йилларда тобора чирой очмоқда. Айниқса, сўнгги икки йилда эски бинолар ўрнида 30 га яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконлари қад ростлади. Бу ҳудуд ободлигини таъминлаш билан бирга, 100 га яқин маҳаллий ёшларнинг доимий иш жойига эга бўлишига хизмат қилмоқда.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# Омилкорликда тажриба асқотади

***Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Сурхон» маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг деҳқончилигу боғдорчиликда эришаётган ютуқлари эътирофга лойиқ. Ҳудудда ҳеч бир киши йўқки, томорқасидан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад олмаса.***



■ **Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

— Кейинги йилларда маҳалламизда томорқачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, — дейди йиғин раиси Болли Даминов. — Бунинг натижасида оилалар даромади ошяпти. Энг муҳими, улар ўзаро тажриба алмашиб, иссиқхоналар ташкил қилишаётир. Жумладан, Иброҳим Бердишев, Ҳақназар Аллашев, Парда Саидов, Ўрол Муҳаммадиев, Тошбой Хуррамов, Абдуқодир Саидов каби миришкорлар бу борада катта тажриба тўплашган. Улар томорқаларидан йилига 4 марта ҳосил олиб, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминламоқдалар.

Деҳқончилик ҳадисини олган Иброҳим Бердишев 18 сотихли иссиқхонасига ноябрь ойида картошканинг турли навларини экади.

— Эрта баҳорда етиштирилган картошкалар билан бозор расталарини тўлдирамиз, — дейди И.Бердишев. — Томорқамиздаги ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб, оилавий бюджетга қўшимча даромад келтиряпмиз. Ерни бекор қолдириш яхши эмас. Баъзилар оёғи остидаги нақд даромадга эътибор қилмай, насибасини ўзга жойлардан қидиришади. Деҳқончилик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун астойдил меҳнат, изланиш керак. Экинимиз яхши униб ўсиши учун барча агротехника қоидаларини бажариб, ҳашаротларга қарши дори сепамиз. Картошка экишдан аввал, шудгорни аммафос ўғити билан озиқлантириб, ерни тайёрлаймиз. Шунда бир туп ниҳолдан 20-25 донагача картошка ёхуд ҳар килограмм уруғлик картошка эвазига 18 килограммдан ҳосил оламиз.

Картошка етиштириш, миришкор таъкидлаганидек, катта меҳнат, меҳр ва масъулият талаб этади. Энг аввало, мўл ҳосилнинг онаси бўлган сифатли уруғни илиқ ҳароратли хонада сақлаб, ўзидан ниш чиқаришини кутиш керак. Яхши сақланган уруғ эътибор билан парвариш қилинса, кутилган натижани беради.

Умуман олганда, аксарият сурхонликлар томорқадан йилига ўртача 15 миллиондан 22 миллион сўмгача соф фойда кўришади. Бу эса халқимиз дастурхонини қишин-ёзин тўкин этишда, турмуш фаровонлигини таъминлашда томорқанинг аҳамияти беқиёс эканидан далолат.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Янги бино ишга туширилди

***Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Тангир Жўраев номли маҳалла фуқаролар йиғини бугун янги, замонавий бинода фаолият кўрсатмоқда.***

■ **Абдурасул САТТОРОВ «Mahalla»**

— Беш минг нафардан зиёд аҳолига эга йиғинимиз шу пайтгача кўримсиз бинода жойлашган эди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Абдунаби Файзиев. — Ўтган йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг саъй-ҳаракати билан қурилишга 14 миллион сўм маблағ ажратилди. Қисқа вақтда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун 6 та хонага эгамиз.

Қурилиш ишлари «Бунёдкор барака меъморчи» масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилди. Уларга йиғин аҳли ҳашар йўли билан кўмаклашди. Маҳалла фаоллари яратилган шарт-шароитлардан мамнун.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

# Синовли кун масъулияти

***Жорий йилнинг февраль ойи бошларида кузатилган совуқ об-ҳаво коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ходимлари учун ўзига хос синов бўлди. Шу кунлари Бухоро шаҳридаги «Келажак» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Чори Итолмасов уйини идорага кўчирди.***

■ **Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Гарчи ширкат ходимлари томонидан мунтазам тарзда кечки навбатчилик иши ташкил этилган бўлса-да, раис ушбу синовли кунлар масъулиятини ҳис этган ҳолда, мижозлардан тушадиган ҳар бир мурожаатни ўзи қабул қилиб олишни истади.

— Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, тасарруфимиздаги уйларда юз берадиган техник носозликларни бартараф этиш — асосий вазифамиз, — дейди ширкат раиси. — Мавсум аввалида кўрилган пухта тайёргарлик натижасида совуқ кунларни ортиқча эътирозларсиз ўтказдик.

Дарҳақиқат, қишки мавсум аввалида ширкат ходимлари томонидан ҳудуддаги 19 та кўп қаватли уйнинг томлари таъмирланган, яроқсиз ҳолга келиб қолган бешта уй ертўласидаги иссиқ ва совуқ сув тармоқлари пластик қувурларга алмаштирилган эди. Шунингдек, олтита уйнинг кириш йўлаклари капитал пардозланди. Чиқиндихоналар эса янги тартиб асосида қайта барпо этилиб, ҳар бирининг атрофи ободончилиги учун масъуллар ишга қабул қилинди. Шу боис айни пайтда чилангар, электр пайвандловчи каби ўн нафар мутахассис фаолият юритаётган ширкат хизматидан аҳоли мамнун.

— Одамлар ушбу хизматларимиз учун ишониб, бизга ҳақ тўлашади, — дейди Ч.Итолмасов. — Баъзан мажлис ёки бирор йиғин баҳона ҳамкасбларим билан учрашиб қолганимизда улар ўз мижозларининг қарздорлигини вақтида ундиришолмаётганидан нолишади. Бизда эса сўнгги уч-тўрт йилдан буён бирорта мижознинг йилни қарз билан якунлаш ҳолати кузатилмади. Сабаби — оддий. Аҳоли ўзига кўрсатилаётган хизматдан кўнгли тўлса, ҳеч қачон тўловни пайсалга солмайди.

— Уй-жой мулкдорлари ширкатининг ҳудуд ободончилигини таъминлаш борасидаги ҳамкорлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди «Варахша» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Солиҳова. — Ўтган йил ёз мавсумида аҳоли томонидан амалга оширилган ноқонуний қурилмалар, шаҳар меъморчилиги тарҳига кирмаган иншоотларни бартараф этишда ширкат ходимлари бизга яқиндан ёрдам беришди. Тозаланган ҳудудда эса замонавий болалар ўйингоҳи барпо этилди.

Ҳа, аҳолига қанчалик сифатли хизмат кўрсатилса, жавоб ҳам шунга яраша бўлади.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида




**САВОЛ:**

***— Болаларнинг хусусий мол-мулки бўлиши мумкинми? Умуман, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида маълумот берсангиз.***

**С.ФАРМОНОВ.**
**Тошкент шаҳри.**

■ **Ойбек ҲАКИМОВ, ҳуқуқшунос:**

— Болалик инсон ҳаётида муҳим босқич. Келажагимиз эгаларини жамиятда тўлақонли ҳаёт кечиришга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаол, ижодкор, шунингдек, маънавий жиҳатдан баркамол авлод сифатида вояга етказиш жамият олдидаги долзарб вазифалардандир. Жорий йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши замирида ана шу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдек олижаноб ният мужассам.

Бу борадаги асосий ҳуқуқий кафолатлар давлатимиз иштирокчи бўлган БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, Оила, Меҳнат, Фуқаролик кодексларида бу борадаги механизмлар батафсил белгилаб берилган. Мамлакатимиз Конституциясига кўра, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс бола ҳисобланади. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади. Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди. Шу билан бирга, давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ота-онаси бўлмаганда ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда боланинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади.

Оила кодексининг 93-моддасига асосан, вояга етмаганларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.